- Сессияда «Ўзбекистон Республикасининг Даннаг Мустақиликни эълон қилиш тўғрисидар» Қонуқ қабул қариби. 17 маддадан изборат бу Қонуқда Узбекистон Республикаси асосий белгивари айланади. Маскур Қонуқ мустақилик республика учун Конституцияни ролни ўйнашдиган бўлди.

Ҳар бир мустакил давлатнинг асосий белгиси, асл пойдевори – миллий валютасидир. Ўзбекистон давлат мустақиллигини кўлга киритиб ўзининг миллий валютасини муомалага киритишга киришди. Бироқ, бу жарабён учун маълум вақт, тажриба керак эди. Шу боисдан Ўзбекистон 1991 – 1993 йилларда собиқ иттифоқдан мерос қолган рубль зонасида бўлиб турди. Аммо советлардан кейинги маконда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши натижасида рублнинг қадри ҳам шунга мос равишда тушиб борди.

Ўзбекистон муомалага янги миллий валюта киритиш ишига жиддий киришди. 1992 йилдаёқ муомалага чиқаришга мўлжалланган сўм – купон нусхалари тайёрланади. Ниҳоят, 1993 йил 1 ноябрда Ўзбекистонда сўм – купон муомалага киритилди, унинг курси олдин муомалада бўлиб келган рублга тенглаштирилган эди. Ўзбекистон раҳбарияти сўм – купонлар асосида зарур тажриба орттириди, ҳақиқий миллий валютани жорий қилиш тадбирларини кўрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июнда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 1994 йил 1 июлидан бошлаб республика худудида ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси сифатида миллий валютаси – Сўм муомалага чиқарилган.

Муомалага 1994 йилда 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 сўмлик, 1997 йил 1 марта 200 сўмлик, 2000 йил 1 июлдан 500 сўмлик, 2001 йил 1 сентябрдан 1000 сўмлик банкнотлар чиқарилган. Кейинчалик, 1, 5, 10, 25, 50 сўм қийматидаги тангалар муомалага киритилган.

# Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ КОНСТИТУЦИЯСИ

«ЎЗБЕКИСТОН»

- Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини ишлаб чиқиш төсмаси Олий Кенгашнинг 1990 йил 20 июнда бўлиб ўтган 2-сессиясида илгари суринган.
- Сессияда Президент И.А.Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституция лойиҳасини тайёрпаш бўйича комиссия тузаш тўғрисида қарор қабул қилинди.
- 1992 йил бадорида Конституция лойиҳасининг 149 та моддадан иборат янги варианти ишланди ва у 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ мухокамаси учун матбуотда эълон қилинди.
- Қарийб иккى ой давом этган умумхалқ мухокамасидан сўнг билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар умумлаштирилди ва лойиҳа ушбу тақлиф ва мулоҳазалар асосида қўйта тузатилиб, 1992 йил 21 ноябрда мухокамани давом эттириш учун 2-маротаба матбуотда эълон қилинди.
- 1992 йил 8 декабря 12-чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тўқизинчи сессиясида 6 бўлум, 26 боб, 128 моддадан иборат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш жараёнида унинг моҳиятини очиб беравчи қўйидаги асосий тамоилларини билиб олишга аҳамият бериш зарур:

- **Ўзбекистон Конституциясининг биринчи тамоили** — давлат суверенитетидир. 1 – 6 — моддаларда Ўзбекистон — суверен демократик республика, давлат халқ манфаатларига хизмат қиласи, мустақил ички ва ташқи сиёsat юритади, ўзбек тили давлат тилидир, деб белгилаб қўйилган. Конституцияда давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънени англаради, деб белги-лаб қўйилган.
- **Иккинчи Конституциявий тамоил** — халқ ҳокимиятчилигидир. 7 – 14 — моддаларда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар унинг фуқаролари ташкил этади, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширади, деб қўрсатилган.
- **Учинчи Конституциявий тамоил** — давлат ҳокимиятининг уч тармоқка бўлинишидир. Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши қонунлаштирилди.

- **Тўртинчи Конституциявий тамойил** — бу демократияга содиқлиқдир. Конституцияда демократия ва ижтимоий адолатга садоқат эълон қилинади ҳамда инсонпарвар демократик — хуқукий давлат барпо этиш назарда тутилади.
- **Бешинчи Конституциявий тамойил** — Конституция ва қонунларнинг устуворлигидир. Конституциянинг 15 — моддасида «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар», деб белгилаб қўйилган.
- **Олтинчи Конституциявий тамойил** — ҳалқаро андозалар даражасида ифодаланган фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларининг тенглиги ва дахлсизлигидир. Ўзбекистон фуқароларининг хуқуқлари муҳим ҳалқаро ҳужҷатлар — «Инсон хуқуқлари бутун жаҳон Декларацияси», «Иқтисодий, социал ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида ҳалқаро акт», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида ҳалқаро акт» ва бошқалар асосида баён этилган.
- Конституциянинг 18 – 52 — моддалари инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишлиланган. Ўзбекистон давлати томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият сифатида тан олинган ва улар ҳимоя қилинади. Конституция бўйича ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши кафолатланади.

- **Еттинчи Конституциявий тамойил** — қонунийликдир. Қонунийлик жамиятнинг бир маромда ҳаёт кечиришини, давлат органларининг маромли фаолият кўрсатишини таъминлайди. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаро-лар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўргандагина жамиятда барқарорлик ва тараққиёт бўлади.
- **Саккизинчи Конституциявий тамойил** — Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий қоидаларини аниқ белгилаб қўйилганлигидадир. Асосий Қонуннинг 17 – моддасида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати акс этган.

Конституцияда давлат ҳалқнинг манфаатлари ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бошқа давлатлар билан иттифоқ ва дўстона алоқалар ўрнатиши ҳамда давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажralиб чиқиши мумкинлиги қонунлаштирилган.

# Ўзбекистон Республикасининг Президенти

- Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошгидир ва давлат докимилини органларининг келишилигига жонда фаолият юритишни ҳамда ҳамкорликпенинг талъминтайди (89-модда).
- Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат типини яхши биладиган, бевосита сайловагача юнидада 10 йил Ўзбекистон худудида мурим яшатган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайцаниши мумкин. Айни бир шахс сурункасига иккى муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.
- Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳукуки асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йип муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади (90-модда).
- Президент ўз вазифасини бекариб турган даврда бошқа ҳақ тулабадиган лавозимини эгаллаши, вакилик организашининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти Билан шугулланishi мумкин эмас (91-модда).
- Президентнинг шахси даҳисиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.
- Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Йигилишида куйидаги қасамёдни қабул қилинган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган хисобланади (92-модда).

## ПРЕЗИДЕНТ ИКАРИМОВ – МУСТАКИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ АСОСЧИСИ

Мустақим давлатчилик шунходий-смёслий ва мальзамӣ ҳаётини ялгича асосларда маъниятларнида бош-көн бўлади. Унинг боғчалигидаги ҳукукий демократик давлати асослари барою этилади

Давлат бошкруви, замонийи барча соҳанарнида туб ислоҳотлар ўтказида ва модернизацияни таҳтиди

Унинг раҳбарлигидаги ўзбек ҳамар таъифаг ва курбониариз ўтиш даврини бошади кечиради

Ислом Каримов таҳтидни, Ўзбекистонга ташриф ҳаётини кучайган даврида ҳам мальзамӣ ҷаҳонида таъини ва баророрини ўрсанади

Осиё шигарасида долзарб бўлиб турган терроризм ва зарбобизнес муаммоларини ҳамроҳ миёсда ҳам таъин масакасини кўйди. Бу соҳада гибанижамувуш базорат таҳтиди

Осиё шигарасида таъини ва баророрини ўрсанада кепта салми-ҳаракат кўрсалди

Ўзбек ҳамарининг мальзамӣ таърихи таъланни ва мальзамӣ ўзининг аниланада бош-көн бўлиб мальзамӣ ҳасораг кўрсалди

Ўзбек давлатчилигини тароҳий таърибасига таҳтиди

Ўзбекистонни ҳамроҳ миёсда обру қрозонингга жизмат таҳтиди

Ўзбекистон истиқоматини ҳам мазарий, ҳам азалий муаммоларини таърихи этиб, замоний смёслий разоюнинг, шунходий тарафдётининг, мальзамӣ ишончнинг асосий йўн-йўриларини ялгича мушоҳару ва ёндурув бинан кўрсалаб берди

## **Қонун чиқарувчи ҳоқимият**

- Үзбекистонда давлат ҳоқимиятининг қонун чиқарувчи ҳоқимият, ижро этувчи ҳоқимият ва суд ҳоқимиятига бўлшиниши қонунлаштирилган;
- Уч ҳоқимиятдан ҳар бирни мустағил фаолият юритади. Олий Мажлис қонун чиқарувчи ҳоқимият хисобланади;
- Үзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳоқимиятни амалга оширади» дейилган. Бу вазифани бахарувчи вакиллик органи парламент деб ҳам юритилади;
- БМТга аъзо давлатларнинг 185 тасидан 160 тасида парламент институти мавжуд.



-Мустақилликка эришганимизча биз фақат собиқ “марказ”нинг “қош-қовоғи”га қараб иш тутадиган, мустақил равища бирор нарсани режалаштиришга имкони бўлмаган, уни ҳаттоқи тасаввур этишга умиди бўлмаган одамлар эдик. Бугун эса ўзининг ички ва ташки сиёсатини мустақил равища юргиза олиш имконига, **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришниниг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясига** эга, мамлакатни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни тобора чуқурлаштириб бораётган, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятияга айланаётган мустақил давлатмиз.



Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев сўнгги пайтларда бир иборани бот-бот такрорламоқда. Бу – ҳар биримиздан “ўзини қийнаш”ни талаб этмоқлиқда намоён бўлмоқда. Хўш, “ўзини қийнаш”ни қандай тушунмоқ зарур, умуман, “ўзини қийнаш” керакми, у инсонга ҳос ҳолатми? Бу саволга жавоб бериш жуда қийин. Яъни, инсон доимо эркинликка, хотиржамликка, жоннинг роҳатига, лаззатга мойил. Бундан барчамиз қониқиши ҳосил қиласиз. Аммо ҳаёт фақат лаззатдан иборат эмас-ку! Барча моддий таъминотлар, бойликлар қачондир ўз ниҳоясига етади. Шундай экан, инсондаги истеъмолчилик кайфиятини яратувчанликка алмаштириш зарурлигини барчамиз биламиз-ку! Қолаверса, инсонда доимо ортиб борадиган ҳолат – унинг эхтиёжию. Қанча яхши яшасак, турмушимиз қанча фаровон бўлса, бизда унданда яхшироқ, айлороқ ҳаёт ва турмуш барпо этиш истаги туғилаверади.



Шундан келиб чиқиб  
“Халқ давлат идоралариға  
эмас, балки давлат идоралари  
халқимизга хизмат қилиши  
керак” тамойили асосида



Жойларда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан халқ билан очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш тизими йўлга кўйилгани, бунинг натижасида фуқароларнинг кўплаб мурожаат ва муаммолари қонуний ҳал этилаётганига алоҳида эътибор қаратиш;



Қонун устуворлигини таъминлаш, суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, ички ишлар тизими ва прокуратура органларида амалга оширилаётган туб ислоҳотларни асосий мавзулардан бири сифатида акс эттириш;



Кўлга киритган барча ютуқларимизнинг асосий омили ва мезони сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганини ҳаётий далил ва мисоллар орқали талқин этиш;

## **13 - Мавзу: Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий, маънавий ва маданий тараққиёти**

### **РЕЖА**

1. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши, унинг йўналишлари, босқичлари ва хусусиятлари. Иқтисодиётда юз берган ўзгаришлар.
2. Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотлар, унинг вазифалари ва йўналишлари.
3. Мустақиллик йилларида маънавий ҳаёт. Миллий истиқлол мафкурасининг шаклланиши.
4. Таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.

### **Мустақил Ўзбекистонда ўтказилган туб ислоҳотлар ва уларнинг босқичлари**

#### **1) Ўтиш даври:**

**Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар**

#### **2) Фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври:**

**2001 йилдан бошланган бўлиб, иккинчи босқич - фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври. Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, сиёsat, қонунчилик, суд хуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳалар изчил ислоҳ қилинди ва ривожлантириш оқда.**

## **Бозор иқтисоди муносабатларининг ўзига хос сифат белгилари ва хусусиятлари**

- 1. Товар ишлаб чиқарувчи иқтисодий жиҳатдан эркин бўлади.
- 2. Товар ишлаб чиқарувчи мулк эгаси бўлади ёки ижара мулкига эга бўлади ва уни ўзи билганича ишлатади.
- 3. Товар ишлаб чиқарувчи ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотининг эгаси, хўжайинидир.
- 4. Бозорга чиқарилган товарни олди-сотди қилиш сотувчи билан харидорнинг эркин ва ихтиёрий муносабатига асосланади.
- 5. Бозор иқтисодиёти монополизмни, яъни якка ҳукмронликни инкор
- 6. Бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи ўз шартини қўяди, чунки пур унинг кўлида бўлади.
- 7. Ишлаб чиқарилган товарга сарф қилинадиган меҳнат харидорнинг маҳсулотга талеби даражаси миқдорида бўлиши люзим.
- 8. Бозорда қандай товарга талаб ошиб борса, ўша маҳсулотни ишлаб чиқариш фойда келтиради.
- 9. Бозор иқтисодиёти шароитида товар ишлаб чиқарувчилар, жамият аъзолари ўз даромадлари миқдорига қараб табакаланадилар.

## **Иқтисодни ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадлари**

- Кишилар турмуши ва фаолияти учун зарур шартшароитларни таъминлайдиган, кучли ва мунтазам ривожланиб борувчи иқтисодий тизими барпо этиш.
- Кўп укладли иқтисодни, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ҳар томонлами ўсиши учун асос бўладиган хусусий мулкчиликни вужудга келтириш.
- Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинлик бериш, уларнинг хўжалик ишларига давлатнинг тўғридан-тўғри аралашишдан воз кечиш.
- Иқтисодда чукур таримбий ўзгаришлар қўлиш, моддий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, рақорбатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш.
- Жаҳон иқтисодига интеграциялашиб бориш.
- Кишиларнинг дунёқарашини ўзгартириш, уларда янгича иқтисодий тафақкурни шакллантириш.

## **Бозор иқтисоди муносабатларига асосланган жамиятни барпо этишнинг асосий шарти:**

- 1) давлат мулкини хусусийлаштириш;**
- 2) кўп укладли иқтисодни вужудга  
келтириш;**
- 3) ишлаб чиқариш корхоналари ва  
мулкдорлар ўртасида ўзаро  
рақобатлашиш учун зарур шарт-  
шароитлар яратиш;**
- 4) мулкдорлар синфини шакллантириш.**

### **Давлат мулкини хусусийлаштириш**

- 1992-1993 йилларда 28,8 минг юридик шахс 53,9 мингта хусусий обьект эгаси бўлди.
- Шу йилларда 1 миллион квартира хусусийлаштирилди.
- 2002 йилда Узбекистон аҳолисининг асосий қиоми қайсиидир шаклдаги мулк эгаси бўлди.
- Хусусийлаштириш дастурига асосан дастлабки босқичда умумий уйжой фонди, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизими қамраб олди.
- Бу «кичик хусусийлаштириш» деб ном олди. Кичик хусусийлаштириш 1994 йилдаёқ тугалланди.
- 1992-1994 йилларда 54 мингга яқин корхона ва обьект давлат тасарруфидан чиқарилди. Уларнинг 18,4 мингтаси хусусий мулк бўлиб қолди.
- 1994 йилда мамлакат ялпи ижтимоий маҳсулотининг деярли ярми иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқилди, бу секторда 4 миллионга яқин киши иш билан банд бўлди.
- Ҳар 3 кишининг биттаси эгасига имтиёзли шартлар билан ёки бепул квартира берилди.
- Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир 20 дан ортиқ давлат дастури қабул қилинди. Узбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун имтиёзли тизим яратилди.
- 2003 йил бошида хусусий ва кичик корхоналар сони 120 мингдан ошди.

## **Иқтисоднинг аграр соҳасидаги ўзгаришлари**

- 1991-2003 йиллар давомида қишлоқ хўжалигини испоҳ қилиш масалалари бўйича 10 дан ортиқ қарорлар қабул қилди.
- 2003 йилда 3541 минг гектар экин майдонининг 3326 минг гектари ёки 94% ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ихтиёрида бўлса, бугунги кунда улар деярли шундан 992 минг гектари фермер хўжаликлари тасарруфига ўтди.
- Республикада етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келади.
- 1991 йилгача мамлакатимизда 1 миллион 842 минг хонадон газлаштирилган бўлса, бу кўрсатгич 1997 йилда 3 миллион 155 мингга етди.
- Қишлоқларда 2 миллионга яқин иш жойи яратилди.
- 650 минг кишини касбга тайёрлаш мўлжалланди.
- 2003 йилдан Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали иш бошлади ва воҳа қишлоқ хўжалигини кадрлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

## **Ўзбекистон - замонавий автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакат**

- И.Каримов бошлигидаги давлат делегациясининг 1992 йил июнь ойида Жанубий Корея Республикасига қилган расмий ташрифи чорида икки давлат ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида дастлабки ҳужжатлар имзоланди;
- 1992 йил август ойида эса Жанубий Корея билан ҳамкорликда автомобиль ишлаб чиқарувчи кўшма корхона барпо этиш тўғрисида келишиб олинди.
- «ЎзДЕУавто» корхонаси қурилиши 1993 йил февралда бошланиб, 1996 йил 19-юнуда - 32 ой мобайнида битди. Илига 200 минг автомобиль ишлаб чиқара оладиган бу улкан иншоотнинг умумий қиймати 658 миллион АҚШ долларини ташкил этди;
- 2002 йилдан бошлаб корхонада «Матиз» ва «Нексия-2», 2003 йилдан «Пасетти» русумидаги янги автомобиллар ишлаб чиқаришга киришилди. 1999 йил 16-март куни Самарқандда Узбекистоннинг яна бир автомобиль заводи иш бошлади. Бугунги кунда Япониянинг Сузуки корхонаси билан ҳамкорликда ушбу корхонада йилига минглаб турли русумдаги кулай ва ихчам автобуслар, турли хил юқ ташиш машиналари ишлаб чиқарилмоқда;
- 1996 йилдан эътиборан В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация заводида маҳаллий ҳаво йўлларида қатнашга мўлжалланган 64 ўринли янги ИЛ-114 самолётлари ҳам ишлаб чиқарила бошланди;
- Бугунги кунда Шевролет: Такума, Эврика, Этика замонавий машиналари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.



«O'zDAEWOO» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган янги автомашиналар



«Lasetti»



«Spark»




«Captiva»



«Epika»



«Tacuma»



## 2017-2021 ЙИЛЛАРДА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

### I. Давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштириш

(**Мовий ҳаворанг** – осмон ва тоза сув рамзи, буюк Амир Темур давлатининг байроғининг ранги)

### II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш

(**Сиёҳранг** – қонунийлик элементлари ҳисобланган устуворлик ва ор-номуслилик рамзи)

### - III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш

(**Тилларанг** – иқтисодиётни ривожлантириш элементлари ҳисобланган куч-қудрат ва бойлик рамзи,)

### - IV. Ижтимоий соҳани ривожлантириш

(**Қизил ранг** – ҳаёт ва аҳолининг муносаб турмуш тарзини таъминлаш рамзи)

### V. Ҳавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат

(**Оқ ранг** – тинчликсеварлик сиёсати элементлари ҳисобланган тинчлик ва софлик рамзи)

МАРКАЗ ВАЗИФАЛАРЫ

- ✓ Ахолниң насылдаст: топорадан салынған фиделдемене жаңы мөрбөсөсінен ғұрып көлемі бүрнә
- ✓ Микрофинансардың расмий мекемелері
- ✓ Акимнегінан кредиттегінде қолданылған мониторинг жаһады



МАРКАЗДАҒЫННИҢ КӨРІНІСІНДЕ	АХОЛНИН ТАДБИРКОРЛІККА	
	ЖАЛІ КИЛДЕКІ МАРКАЗЫ	АХОЛНИН ТАДБИРКОРЛІККА
1. Ахолниң насылдаст: топорадан салынған фиделдемене жаңы мөрбөсөсінен ғұрып көлемі бүрнә	✓	✓
2. Микрофинансардың расмий мекемелері	✓	✓
3. Акимнегінан кредиттегінде қолданылған мониторинг жаһады	✓	✓

МАРКАЗДАҒЫННИҢ КӨРІНІСІНДЕ

АХОЛНИН ТАДБИРКОРЛІККА

ЖАЛІ КИЛДЕКІ МАРКАЗЫ

**“Халқ бой бұлса, давлат ҳам бой ва қудратли бұлади” деган гоя асосида**



Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, , унинг рақобатдошлигини ошириш



Қишлоқ хұжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш



Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш



Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавкеини янада кучайтириш



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ва мутаносиб тараққий эттириш,



Инвестициявий мухитни яхшилаш, әрқин иқтисодий зоналар ташкил этиш



Қарорда “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, деган ғояни кенг фуқаролар орасида тизимли равишда тарғиб этиш лозимлиги белгилаб берилган. Бу бежизга айтилмаган. Шўро давлати ўзини камбағалпарвар сифатида кўрсатар, шу аснода бутун жамиятни бой-бадавлат кишиларга қарши қўйишга интиларди. Бошқача сўз билан айтганда, ўша даврда камбағаллик рағбатлантирилар эди.

Дарҳақиқат, адабиёт тушкунликка тушган инсон кайфиятини қўтарадиган, одамни мушоҳадага чорлайдиган, синик кўнгилларга завқ берадиган, адолатли хукум чиқаришга кўмак берадиган бебаҳо неьмат, барчани маънавиятга чорлайдиган, маърифатли жамиятнинг пойдеворини қурадиган феномен ҳодиса ҳисоблагади. Шунинг учун ҳам бекорга биз ўрганаётган қарорнинг муҳим тамойилларидан бири сифатида “**Маънавият – энг таъсирчан ва қудратли куролимиз**”, деб таъкидланмаган.

## **Маънавий қадриятларнинг тикланиши ва миллий ўзликни англаш**

- 1991 йили Навоий таваллудининг 550 йиллиги кенг нишонланди. Пушкин номидаги Адабиёт институтига Алишер Навоий номи берилди;
- 1994 йил Улуғбек йили деб эълон қилинди ва унинг 600 йиллиги мамлакат ва жаҳонда кенг нишонланди;
- 1992 йил май ойида Наманганда улуғ ажодимиз Машрабга бағишлиб кенг нишонланди. Бу шаҳарда унинг номи билан аталувчи катта истироҳат боғи барпо этилди;
- 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланди;
- 1998 йил 24 октябрь куни Фарғонада Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги нишонланди;
- 1999 йил 5 ноябрда Хоразмда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги нишонланди;
- 1999 йил 17 декабрь куни Оғаҳий таваллудининг 190 йиллиги нишонланди;
- 1997 йилда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги нишонланди;
- 1999 йил 6 ноябрь куни Термизда «Алпомиши» достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланди. 2000 йилда ҳазрат А.Навоийнинг 560 йиллиги яна ҳам кенгроқ нишонланди;

- 2001 йилда Хоразмда «Авесто»нинг 2700 йиллиги кенг нишонланди. «Авесто» китоби дунёга келганидан бўён илк маротаба ўзбек тилига таржима қилинди ва нашр этилди;
- 2002 йилда Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, Шахрисабзнинг 2700 йиллиги ЮНЕСКО иштирокида кенг байрам қилинди;
- 2003 йилда Абдухолиқ Фиждувоний таваллудининг 900 йиллиги нишонланди.
- Имом Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-Замаҳшарийнинг 920 йиллиги (1995 йил);
- Нажмиддин Қубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги (1993 йил) ва Ҳожа Аҳори Валийнинг 600 йиллиги кенг кўламда нишонланди;
- 2000 йили Ислом оламининг улуғ ҳуқуқшуноси Бурҳониддин Марғилонийнинг 1200 йиллиги ва беназир аллома Абу Мансур Мотуридийнинг 1130 йиллиги кенг нишонланди. Имом Бухорийнинг тўрт жилдан иборат, имом Термизийнинг бир жилдли ҳадис китоблари чоп этилди. Қуръони Карим саккиз марта, жами бир миллион нусхада нашр этилди;
- 2002 йили Қуръони Каримнинг изоҳли таржимаси шайх Абдулазиз Мансур томонидан тайёрланди;
- 2006 йил 3 ноябрь куни Хива шаҳрида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нишонланди;
- 2006 йил Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги нишонланди;
- 2007 йили Марғилон шаҳрининг 2000 йилиги кенг нишонланди;
- 2008 йили Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги байрам қилинди;
- 2009 йили Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрам қилинади.



Алданасер Ниязовий  
иңсөйіндең Дәништ  
мұхаббаттың фахралы  
нишаны



Томбасы. Алданасер Ниязовің хайкалы



Томбасы. Амир Темур хайкалы



Мирзо Улугбек хайкалы

## Ўзбекистонда миллый маънавий қадриятларнинг тикланиши

Юбилейлар муносабати билан улуг аждодларимизнинг ҳёти ва фаолияти чукур ўрганипди, асарлари таржима юлиниди ва бутун дунёга тарғиб килинди

Тарихимида яшаб ўтган буюк айломалар, олим-у уламоларнинг мероси ўрганипди ва таваллуд кунлари нишонланди

Маънавиятимиз дурданапари бўлган қадимий шаҳарларимизнинг юбилейларини нишонланди

Юбилей муносабати билан қадим шаҳарларимиз, улардаги тарихий обидалар қайта таъмиранданди ва улар ўхшаши йўқ гўзап киёфага эга бўлди

Миллый байрамлар тикланди, исломий қадриятларга эътибор қаратилди

Йирик давлат арбоби, пашкарбоши ва сиёсатчиларнинг мероси тикланди ва уларнинг тарихдаги хизматлари муносиб баҳрланди

Миллый урф-одат ва аньянапарга эътибор берилди

Миллый тарихимиз қайтадан ёзилиди

Бой тарихий меросимиз миллый истиқтол төъмизнинг асосини ташкил этди. Комил инсонни тарбиялашда тарихий меросимиз етакчи кучга айланди



«Наврўз» байрами

## **Мустақил Ўзбекистонда Амир Темур сиймосини қайта тиклаш ва унинг шахсини қадрлаш**

- 1993 йилда Амир Темурга суворий ҳайкал ўрнатилди;
- «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида» (1994 йил, 29 декабр), «1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиши тўғрисида» (1995 йил, 26 декабр), «Темурийлар тарихи» давлат музейини ташкил этиш ва «Амир Темур» орденинни таъсис этиш тўғрисида (1996 йил) қатор фармон ва қарорлар чиқарилди;
- 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди;
- Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги жаҳоннинг 50 дан ортиқ давлатларида нишонланди;
- Амир Темурнинг 660 йиллик юбилеи 1996 йил 21-24-апрель кунлари Франция пойтахти Париж шаҳрида ЮНЕСКО ташаббуси ва раҳбарлигига нишонланди, унда Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримов иштирок этди ва катта нутқузлади;
- ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзуида ҳалқаро конференция ва кўргазма уюштирилди;
- Франция Президенти Узбекистон Президентига Амир Темурнинг 1402 йили Француз қироли Шарлга йўллаган мактубини совға қилди;
- 1996 йилнинг 18 октябрь куни Темурийлар тарихи давлат музейи очилди;
- 1996 йил 18 октябрь куни И.Каримов Самарқандда Амир Темур ҳайкалини тантанли равишда очди;
- 1996 йил 18 октябрь куни Шаҳрисабз - қадимий Кешда Оқсарай ҳовлисида Амир Темур ҳайкали очилди;
- Мустақиллик йилларида Амир Темур тараққиёт буюк давлатчилик ва маънавий құдрат тимсолига айланди;
- Амир Темур таълимоти миллий истиқбол ғоямизга ҳамохангидир.



Самарқанд. Амир Темур ҳайкали



Шаҳрисабз. Амир Темур ҳайкали



Темурийлар тарихи давлат музейи

## Таълим тараққиёти

- Узлуксиз таълимга асос 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тұғрисида»ғи Қонунга мувоғиқ умумий ўрта таълим таркиб жиҳатдан 5 босқычдан, яъни бошланғыч (1-4 - синфлар), таянч (5-9-синфлар) ва ўрта таълим (10-11-синфлар)дан ташкил топған эди;
- 1994 йилда 80 минг ўринли 209 та, 1995 йилда 55 минг ўринли 134 та, 1996 йилда 64 минг ўринли 198 та мактаб қурилиб фойдаланишга топширилди;
- Энг замонавий іхтисосліктер буйича алоҳида университет ва институтлар, жумладан, Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети, Навоий коннекталтургия институты, мудофаа вазирлиги қошида Ҳарбий академия, Ички ишлар вазирлиги қошида Ички ишлар академияси, Банк-молия академияси каби үнлаб янги олий ўкув юртлари ташкил этилди;
- Вилоятларда янгидан-янги ўкув юртлари очилди. Президент Каримовнинг 1992 йил 28 февралдаги Фармони билан 8 вилоят педагогика институтларига университет мақоми берилди;
- Олий Мажлисинг 1996 йил деқабрдаги Қарори билан 1 октябрь - «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» деб белгиланди;
- «Кадрлар тайёрлаш милииң дастури» асосида ишлаб чиқилған ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил августда тасдиқланган «Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартлари» асосида янги ўкув дастурлари амалиётта жорий этилди;
- «Кадрлар тайёрлаш миллплий дастури» 1997 йилда қабул қилинди;
- 1997 йилда қабул қилинган қонунга биноан олий таълим иккى босқычда - бакалаврият ва магистратурадан иборат;
- 2001 йилдан бошлаб дарсликларни танлов асосида яратиш йўлга қўйилди;
- 2001-2002 ўкув йилидан эътиборан мактаб ўкувчиларига дарсликларни ижарага бериш тизими асосида таъминлашга босқичма-босқич ўтила бошланди;
- 2008 йил – Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан ёшлар сиёсатида туб ўзгариш ва ислоҳотлар бўлиб ўтди.

## Спорт соҳаларидаги ютуқлар

- 1992 йилдан Термиз ва Шахрисабз шаҳрида миллий қуаш буйича ҳалқаро мусобақа ўтказила бошланди;
- 1994 йилда Тошкентда теннис саройи қурилди;
- 1994 йили Ўзбекистон Республикаси спортчилари 1-марта Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган 12-Осиё ўйинларида иштирок этдилар ва улкан муваффакиятларга эришдилар. Улар 42 медални, жумладан 10 та олтин, 12 та кумуш, 20 та бронза медалини қўлга киритдилар;
- 1996 йил Артур Григорян Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиб, мутлақ чемпион «Олтин камар»ини қўлга киритди. 2002 йилгача 17 марта жаҳон чемпиони номини саклади;
- Тошкентда 1996 йил 14 августда Олимпия музейи ташкил этилди;
- 2001-2002 йиллардан бошлаб ҳар йили умумий ўрта таълим мактаблари ўкувчилари орасида 4 босқычда (мактаб, туман, вилоят ва республика босқичлари) «Умид ниҳоллари», Академик лицей, коллеж ва 9-11-синф ўкувчилари орасида «Баркамол авлод», ҳар 2 йилда бир марта олий ўкув юртлари талабалари орасида «Универсиада» спорт мусобақаларини ўтказилиши йўлга қуийилди;
- 2003 йилда Республика миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастурлари тузилди. «Соғлом оила» мусобоқаларини ўтказиш Низоми ишлаб чиқилған;
- 2002 йилнинг ўзида ўзбек спортчилари турли мусобақаларда қатнашиб 186 дан ортиқ Олтин медални қўлга киритдилар;
- Теннис маликаси Ирода Тўлаганова, машхур боксчи Руслан Чагаев, олимпиада чемпиони Муҳаммад Қодир Аблуддаев, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов ва бошқа үнлаб спортчиларимиз юртимиз номини шарафламоқдалар.

## 14 - Мавзу: Ўзбекистон ва жаҳон хамжамияти

### РЕЖА

1. Мустақил Республиканиң мустақил ташқи сиёсат юритишининг ҳуқуқий асослари ва асосий тамойиллари.
2. Ўзбекистонниң халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзо бўлиб кириши.

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектиdir. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин (17-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ КОНСТИТУЦИЯСИ

# Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти тизимида

- Бугунги кунда 182 давлат ўзбекистон мустақиллигини тан олган;
- 142 давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатилган;
- Ўзбекистоннинг чет элларда 27 әлчихонаси, 11 Баш консулхонаси, халқаро ташкилотларда 3 ваколатхонаси фаолият кўрсатяпти;
- Ўзбекистон 1992 йил 2 марта БМТга қабул қилинди;
- 1993 йил февралда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди ва у иш бошлади;
- И.Каримов БМТ Баш Ассамблеясининг 1993 йил сентябрда бўлган 48-сессиясида Ўзбекистон номидан Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг Тошкентда доимий ишловчи семинарини чақириш, наркобизнесга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор таклифларни ўртага қўйди;
- Ўзбекистон БМТ билан қочоқлар, хавфсизлик, терроризм, наркобизнес, можароларнинг олдини олиш, интеграция, манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, илм-фанни ривожлантириш ва бошқа масалаларда кенг ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда.

- 1997 йил мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари Хива ва Бухоро ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий қадриятлар рўйхатига киритилди ва Парижда нишонланди;
- Ўзбекистонда 1996 йил бошларигача америкалик сармоядорлар иштирокида 200 та Ўзбекистон-Америка қўшма корхоналари ташкил топди ва фаолият кўрсатди;
- 2000 йил июлда Тошкентда Осиё ва Тинч океан минтақаси мамлакатлари ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиясининг XII минтақавий конференцияси бўлиб ўтди;
- ЮНЕСКО ҳомийлигига 2001 йил улуғ фикъшунос олимлари, ислом оламининг машҳур уламолари Бурхониддин Марғиноний ва Абу Мансур Мотурудийнинг юбилейлари, 2002 йили Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, 2003 йили эса буюк мутасаввуф Абдухолиқ Ғиздувоний таваллудининг 900 йиллиги кенг нишонланди;
- Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданоқ Ғарб ва Шарқ давлатлари билан ҳамкорликлик қилиб уни янги босқичларда ривожлантириб келмоқда;

## **Ўзбекистон-Россия муносабатлари**


- Ўзбекистон ташки сиёсатида Россия билан муносабатлар алоҳида ўрин тутади. Икки мамлакат ўртасида ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш учун барча ҳукуқий асослар яратилган.
- Жумладан, 2004 йили Стратегик шерифлик тўғрисидаги шартнома, 2005 йилда Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманиши Узбекистон – Россия муносабатларини юқори босқичга олиб чиқиша мухим асос бўлиб хизмат қилмоқда.
- Ўзбекистон ва Россия халқаро ҳаётнинг глобал муаммолари наркотрафик, терроризм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби иллатларга қарши қурашиб масалаларида ҳамфир эканлигини алоҳида таъқидлаш лозим. Қолаверса, бу икки мамлакат БМТ, МДҲ, ШХТ, ЕХХТ каби халқаро ташкилотлар ва интеграцион тизимлар доирасида фаол ҳамкорлик олиб боради. Мамлакатимиз ташки савдосининг 30 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келиши унинг Узбекистоннинг етакчи иқтисодий ҳамкорларидан бири эканлигидан далолатdir.
- 2008 йилга келиб мамлакатимизда Россия сармояси иштирокидаги кўшма корхоналар сони 780 дан ошиб кетган. Мазкур корхоналарнинг 252 таси сўнгги икки йилда ишга туширилди. Улар орасида «Электроизолит» (курилиш материаллари), «Эпимпекс» (тўқимачилик), «Балтимор-Челак» (консерва), «Вим-Билль-Дан-Тошкент» (сугт маҳсулотлари) каби самарали фаолият кўрсатаётган кўплаб корхоналарни кептириш мумкин. Республика мизда Россиянинг 130 га яқин фирма ва компаниялари ўз ваколатхоналарини очган бўлса ҳамкор мамлакатда 350 га яқин кўшма корхона ўзбекистонлик сармоядорлар иштирокида фаолият юритмоқда. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан тўғри киритилган хориж сармояларининг 40 фоиздан ортиги Россия Федерацияси улушига тўғри келади.

## **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДАГИ ИШТИРОКИ**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов халқаро ташкилотлар – БМТ, ОБСЕ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, СЕАП ва бошқа ташкилотларнинг минбарларидан сўзлаган нутқларида миңтақавий ва миллий кўламлардаги халқаро терроризмга қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш лозимлигини бир неча бор таъқидлаган.
- 1999 йил ноябр ойида ОБСЕнинг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган Саммитида Президент И.А.Каримов БМТ тузилмаларида терроризмга қарши кураш халқаро марказини тузиш таклифини киритган. 2002 йилнинг октябр ойида БМТ, ОБСЕ ва Узбекистон ҳукумати Тошкент шаҳрида чақирган халқаро конференцияда 70 та мамлакат ва 40 та халқаро ташкилотлардан келган эксперталар халқаро терроризмга қарши турish стратегиясига умумий ёндашувлар хусусида таклифларни тайёрладилар.
- Миллий хавфсизликни таъминлашда 2000 йилнинг декабр ойида қабул қилинган “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Узбекистон Республикаси Қонуни катта аҳамият касб этади.
- АҚШда 2001 йил 11 сентябрда содир бўлган фожиавий воқеалардан кейин, 2001 йилнинг 28 сентябирида БМТнинг хавфсизлик кенгаши 1373 (2001)-сонли резолюцияни қабул қилди, бунда Узбекистон ташаббус билан чиқди.
- Ўзбекистон БМТ хавфсизлик кенгаши ҳузуридаги терроризмга қарши кураш қўмитаси ишида МДҲдаги антитеррор маркази ишида қатнашиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида тегишли ишларни адо этмоқда, антитеррор кучлар халқаро уюшмаси куч-ғайратларига ҳамқадам бўлмоқда.



Мустабид совет даврида ўз ташқи сиёсатини мустақил равища юргиза олиш имконига, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлмаган мустамлака “давлат” бўлсак, бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётган, турли нуфузли халқаро ташкилотларда ижтимоий тараққиётга оид тинчликсевар ташаббуслари билан тобора эътиборга сазавор бўлиб бораётган, ўзининг мустақил ташқи сиёсатига эга мамлакат сифатида ўз бўй-бастимизни намоён этмоқдамиз;



Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, қўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, миңтақамиздаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш тамойилига асосан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш;



## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Асосий адабиётлар**

1. Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.- Т.: Янги аср авлоди, 2005. (лотин алифбосида)
2. Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: Академия, 2010.
3. Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2012.
4. ЭшовБ. Одилов А. Ўзбекистон тарихи 1-жилд, Энг қадимги даврдан XIX аср ўрталариғача. Дарслик – Тошкент: Янги аср авлоди. 2014.
5. Ўзбекистон тарихи. Дарслик II жилд. Муаллифлар жамоаси. - Тошкент: Янги аср авлоди 2015.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ . – Тошкент: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Озбек халқига тинчлик омонлик керак - Т.: Ўзбекистон, 2014.
4. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ. 2015.
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
8. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола./ - Тошкент: Маънавият, 2017.
9. Ш.М.Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
10. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. - Т.: Фан, 1993.
11. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1 жилд. - Т.: Фан, 1968.
12. Алиев А. Махмудхўжа Беҳбудий. - Т.: Ёзувчи, 1994.
13. Амир Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. - Т.: Фан, 1991.
14. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.- Т.: Шарқ, 2000.
15. Абулғозий. Шажарайи турк. - Т.: Чўлпон, 1992.
16. “Авесто”. “Яшт” китоби. Ўзбек тилига М. Исҳоқов илмий-изоҳли таржималари. - Т.: Шарқ, 2001.
17. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Том. 1,2 – Т.: Узбекистан, 2008, 2009.
18. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Т.: Университет, 2002.

19. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. 2004. 18,9 п.л. В соавторстве.
20. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.: Янги аср авлоди, 2011.
21. Аъзамхўжаев С. Туркистон муҳторияти.- Т.: Маънавият, 2000.
22. Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли. - Т.: Нур, 1992.
23. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур (ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти). -Т.: Фан, 1996.
24. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. – Т.: Мерос, 1992.
25. Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. - Т.: Ўзбекистон. 1998.
26. Буниётов З. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). - Т.: Faafur Fулом, 1998.
27. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. - Т.: Фан, 1996.
28. Бобур З.М. Бобурнома. - Т.: Фан, 1960.
29. Валихўжаев Б. Хўжа Аҳрор тарихи. - Т.: Ёзувчи, 1994.
30. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш. - Т.: Шарқ, 1998.
31. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи - Т., Шарқ, 2001.
32. Иброҳимов А. Биз ким ўзбеклар - Т.: Шарқ, 2013.
33. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. - Т.: Чўлпон, 1994.
34. Темур тузуклари. - Т.: Faafur Fулом, 1991.
35. Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
36. Усмонов Қ. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви. – Т.: Молия, 2003.
37. Шарафиддинов О. Истиқлол фидоийлари. – Т.: Чўлпон, 1993.
38. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. - Т. Фан, 2001.
39. Шарифхўжаев М., Раҳимов Ф. Даврни белгилар берган инсон. – Т.: Шарқ, 2004.
40. Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилотлари. - Т.: Ёзувчи, 1999.
41. Шомий Низомиддин. Зафарнома. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
42. Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадгу билиг. - Т.: Юлдузча, 1990.
43. Юнусова Ҳ.Э. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари (XX аср 80-йиллари мисолида). – Т., Zar qalam, 2005. 7, 75.
44. Юнусова Ҳ.Э. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX аср 80-йиллари мисолида). – Т., Abu matbuot-konsalt, 2009. 10,23 б.т.
45. Яздий Ш. Зафарнома. – Т.: Шарқ, 1997.
46. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари - Т.: Шарқ, 2001.
47. Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
48. Қорақалпоғистон тарихи (1917-1994 йй.). Нукус, 1995.
49. Қурбонов И. Қатағон қурбонлари. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
50. Ҳасаний М. Туркистон босқини. – Т.: Нур, 1992.
51. Ҳайдаров М., Ражабов Қ. Туркистон тарихи. – Т., Университет, 2002.
52. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йй.). –Т.: Abu-MATBUOT KONSALT. 2008. –Б. 208.
53. Ҳожаниёзов Ғ. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари (мил.авв.VI асрдан IV асргacha). – Т., 2007.
54. Ҳудойберганов Қ. Хива хонлари тарихидан. – Т., 2007.
55. Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). – Тошкент. 2005. – Б. 240.
56. Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Уч жилдлик. - Т.: Faafur Fулом, 1984.
57. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Икки жилдлик. - Т.: Мехнат, 1992.
58. Ипак йўли афсоналари. - Т: Фан, 1993.
59. Йўлдошев Н. Баҳовуддин Нақшбанд. Бухоро, 1993.
60. Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. - Т.: Фан, 1988.
61. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. -Т.: Фан, 1991.

62. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.1-12. –Т.: ЎзМЭ давлат илмий нашриёти, 2000-2006.
63. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. - Т.: Чўлпон, 1993.
- 64 Аскаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи . – Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

**Электрон таълим ресурслари:**

1. “Халқ сўзи” газетаси –[www.info XS. Uz](http://www.info XS. Uz).
2. “Туркистон” газетаси - [www.turkiston sarkor. uz](http://www.turkiston sarkor. uz).
3. “Маърифат” журнали - [www.ma'rifat – inform](http://www.ma'rifat – inform).
4. “Жамият ва бошқарув” журнали - [www.rzult academy freenet uz](http://www.rzult academy freenet uz).
5. “Мозийдан садо” журнали - [www.moziy dostlink. Net](http://www.moziy dostlink. Net)
6. [www.Ziyo net.uz](http://www.Ziyo net.uz).